Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 22 июнь, пайшанба. №74 (21.837.) Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон — Украина:

ҲАМКОРЛИК КЎПРИКЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Бугунги кунда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг нафақат МДҲ доирасида, балки ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосидаги икки ёқлама муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу жараён борган сари янгича кўлам касб этаётир. Хусусан, Ўзбекистон билан Украина ўртасида йўлга қўйилган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалар бунга яққол мисолдир.

Икки давлат ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик анъаналари чуқур илдизга эга. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Украинага қилган сафари эса ушбу муносабатларни мустаҳкамлаш, уни янада кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Сафар натижаси ўлароқ, икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик борасида кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Айни пайтда эса республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида Ўзбекистон билан Украинанинг талай қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

20 июнь куни Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга расмий ташрифи иқтисодий ҳамкорлик борасида шу қисқа давр ичида амалга оширилган ишларни яна бир бор сарҳисоб қилиш, унинг ижобий жиҳатларини ривожлантириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Тошкент аэропортининг муҳташам биноси пештоқида Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Украина Президенти Леонид Кучма ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этди.

Ҳар икки давлат Президентлари шоҳсупага кўтарилдилар. Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат мадҳиялари янгради. Президентлар миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Сўнгра ҳар икки мамлакат Президентларининг расмий делегациялар аъзолари билан танишув маросими бўлиб ўтди.

Шу ерда меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан танишдилар.

Мамлакатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан қутлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони олий мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Тошкент кўчаларида икки дўст мамлакат байроқлари ҳилпирайди. Халқлар дўстлигини улуғловчи, меҳмонларни олқишловчи шиорлар кўчаларга байрамона руҳ бағишлаган. Меҳмонларни кўплаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

* * *

Айни пайтда Ўзбекистон ва Украина ҳукуматлари делегациялари аъзолари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйига ташриф буюрдилар. Бу ерда ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ҳукумати билан Украина ҳукумати ўртасида фан ва технология, соғлиқни сақлаш, маориф, сайёҳлик, спорт соҳаларида ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги ва элчихоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўзаро ҳал этиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Ҳукуматлараро битимларни Ўзбекистон ҳукумати номидан республика Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, Украина ҳукумати номидан мамлакат Бош вазири ўринбосарлари С. Осика, В. Шмаров, Украина ички ишлар вазири В. Радченко имзолади.

Шунингдек, икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

* * *

Шу куни пойтахтнинг «Халқлар дўстлиги» саройида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

— Сиёсатшунослар собиқ Иттифоқ ҳудудида вазиятнинг қандай ривожланиши кўп жиҳатдан Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг қандай тараққий этишига боғлиқ, деган фикрни билдирмоқдалар. Мен бу фикрга тўла қўшиламан, — деди Президент Ислом Каримов. — Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ғоят муҳимдир. Бу халқларимиз манфаатларига бирдек мос келади.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш хусусида сўзлар экан, ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларига алоҳида эътибор қаратди.



СУРАТДА: Президентларнинг яккама-якка учрашуви.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Украина Президенти ўз мамлакати Марказий Осиё ҳудудида муҳим ўрин тутган Ўзбекистонни стратегик ҳамкор деб билишини таъкидлади.

— Ўзбекистон Президентининг ўтган йил кузида Украинага расмий ташрифи ўзаро муносабатлар ривожига янги куч бахш этди,— деди жумладан Президент Л. Кучма. — Олий даражадаги ташрифлар чоғида имзоланган ва икки мамлакат расмий делегацияларининг бугунги музокаралари ниҳоясида қабул қилинажак ҳужжатларнинг амалга татбиқ этилиши халқларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Ўзаро музокаралардан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баённомани ҳамда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ҳақидаги шартномани имзоладилар.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашиб, уларга ўзаро музокаралар якунлари хусусида сўзлаб берди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма журналистларнинг икки мамлакат ўртасидаги тўловлар, МДҲнинг келажаги, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари ҳамда халқаро муаммолар билан боғлиқ бошқа кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти ва унинг рафиқаси «Наврўз» тантаналар уйида олий даражали меҳмон ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирди.

***

Украина Президенти Леонид Кучма мамлакатимизга ташрифининг иккинчи куни Украин маданияти маркази фаоллари билан учрашиш учун Ўзбекистон байналмилал маданий марказига келди. Бу ерда олий даражали меҳмонга мамлакатимизда истиқомат қилаётган украин миллатига мансуб фуқароларнинг «Баткившина» маданий маркази раиси Станислав Мансуров — Кавригенко ҳамда марказнинг бир гуруҳ фаоллари пешвоз чиқди.

Ўзбекистон байналмилал маданий маркази республикамизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг ўз миллий анъаналарини ривожлантириши, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фаол иштирок этишини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Марказ директори К. Расулов Украина Президентини кўп миллатли Ўзбекистон халқининг бирлиги ва биродарлиги рамзи бўлган ушбу дўстлик уйига ташрифи билан қизғин қутлади.

«Баткившина» украин маданий маркази раиси С. Мансуров—Кавригенко, марказ фаолларидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист З. Соловей, тиббиёт фанлари доктори Е. Прусс, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси В. Романенко олий мартабали меҳмонга республикамизда яшаётган украинларнинг жамият ҳаётида иштироки, уларнинг ўз миллий ва маданий қадриятларини ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари хусусида сўзлаб бердилар. Украина Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат халқларининг вақт синовидан ўтиб, таркиб топган дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Украина давлат раҳбари Ўзбекистонда яшаётган украинлар учун мамлакатнинг барча фуқаролари қатори тенг шароит ва имкониятлар яратилганидан мамнун эканини изҳор этар экан, уларнинг миллий анъаналарини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, фуқароларо тотувлик барқарор бўлиши йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

***

Украина Президенти Леонид Кучма шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюрди.

Олий даражали меҳмон бу ерда халқлар орасидаги дўстлик ва тотувликни, жамики эзгу инсоний фазилатларни улуғлаб қуйилган буюк мутафаккир шоир ҳамда давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

***

21 июнь куни Украина Президенти Леонид Кучманинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу ерда меҳмонлар хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан хайрлашдилар.

Украина Президенти Леонид Кучма ҳамда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шоҳсупага кўтарилди. Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат мадҳиялари янгради.

Икки мамлакат раҳбарлари миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Украина Президенти Леонид Кучма ташрифининг расмий қисми ниҳоялангач, Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентдан қадимий Самарқанд зиёратига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

***

Шу куни Украина Президенти Леонид Кучма билан унинг рафиқаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва рафиқаси ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Ҳар икки давлатлар байроқлари билан безатилган Самарқанд аэропортида юксак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Туронзаминнинг буюк ўтмишидан ёдгорлик бўлмиш Самарқанд зиёрати мамлакатимизга ташриф буюрган кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарларининг кун тартибидан жой олиши бежиз эмас. Зеро, Самарқандга қадам қўйибгина ушбу қўҳна заминда не-не улуғ зотлар ўтгани, илму фан, маданият, санъат ва ҳунармандчилик юқори даражада равнақ топганини ҳис этиш мумкин. Шу боис Украина Президенти Самарқанд зиёратини аллома Мирзо Улуғбек ҳайкали пойига гулчамбар қўйишдан бошлади. Украина давлати раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида фалакиёт илмидаги кашфиётларга йўл очган Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи билан танишди.

Олий мартабали меҳмонлар шаҳардаги Сиёб бозорига ташриф буюриб, шарқона бозорнинг тўкинсочин расталарини кўздан кечирдилар, деҳқонлар ва сотувчилар билан суҳбатда бўлдилар.

Афсонавий Регистон майдонида савлат тўкиб турган тарихий обидаларнинг бетакрор нақшу нигорлари, жилвакор кошинлари, Амир Темур мақбарасининг ўзига хос шукуҳи ва улуғвор сукути олий мартабали меҳмонлар тасаввурида ўтмиш воқеаларини гавдалантиргани шубҳасиз. Бугун ушбу буюк ўтмиш ворислари мамлакат истиқлоли йўлида меҳнат қилиб, ўнлаб хорижий давлатлар билан тенг ва манфаатли ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

«Ҳар икки мамлакатнинг бой тарихи, уларнинг истиқболи ва мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг муштараклиги бугунги ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам пойдевор яратади», деб таъкидлади Украина Президенти Леонид Кучма журналистлар билан суҳбатда.

— Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама устивор йўналишларга эгадир, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. — Украинанинг иқтисодий-сиёсий салоҳияти ва фан-технология соҳасидаги имкониятлари ўзаро ҳамкорлигимиз муваффақияти учун муҳим омилдир.

Украиналик олий мартабали меҳмонлар тарихий ёдгорликларни таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, маҳаллий кандакорлар, мисгарлар ва каштадўзларнинг маҳоратлари билан ҳам танишдилар.

Регистон майдонида Украина Президенти Леонид Кучма ўзбекистонлик бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига «Украина озод этилганининг 50 йиллиги» медали ва эсдалик совғаларини топширди.

— Украина заминини фашист босқинчиларидан озод этишда ўзбекистонлик жангчиларнинг кўрсатган жасоратини ҳеч қачон унутмаймиз, — деди Леонид Кучма. — Урушнинг оғир йилларида халқларимиз ўртасидаги дўстлик катта синовдан ўтган эди. Бундан буён ушбу дўстлик янада мустаҳкамланишига аминман.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида юксак мартабали меҳмонлар шарафига зиёфат берилди.

Шу куни Украина раҳбари ўз ватанига жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида Украина Президенти Леонид Кучма билан рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва рафиқаси кузатиб қолди. Кузатиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Кузатувчилар орасида Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Сметанин ҳам бор эди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби, республика Олий Мажлиси депутати А. Жалолов 20 июнь куни 102-Янгиқўрғон округи сайловчилари вакиллари билан учрашув ўтказди.

У Янгиқўрғон туманида йиғилганларга мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислоҳотлар, мустақил Ўзбекистоннинг янги парламенти — Олий Мажлис амалга ошираётган ишлар, унинг иккинчи сессияси якунлари тўғрисида сўзлаб берди.

Шундан кейин сўзга чиққанлар мазкур округ барча сайловчилари фикрини ифодалаб, Ўзбекистон давлати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар. Худди шундай учрашув ушбу сайлов округининг Чортоқ тумани ҳудудида яшовчи сайловчилари вакиллари билан ҳам ўтказилди.

Учрашувларда Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари И. Нажмиддинов, ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Қозоқов, Чортоқ тумани ҳокими Т. Пўлатов иштирок этдилар.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК МАНЗАРАЛАРИ

ДОНИМИЗ — НОНИМИЗ.

Владимир МОЛГАЧЁВ.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ КЕЛАЖАГИ

Туркистон — умумий уйимиз

Марказий Осиё давлатлари тарихан бирга бўлган, бир бутунликни азал-азалдан муқаддас билган, қадрлаган, ҳудудларини даврлар оша Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон деб аташган. Уларнинг бугунги мустақил сиёсат юргизишлари ҳам туркий халқлар муштарак мақсадлари бирлиги асосида бир-бирларига боғланиб кетган.

Марказий Осиё давлатлари ҳукумат раҳбарлари яхлит иқтисодиётни вужудга келтиришда ўз халқларининг қадим-қадимга бориб тақаладиган дўстлик ришталарини боғлаш йўлида тинимсиз бош қотиришмоқда, яратувчанлик ишларини амалга оширмоқдалар. Айрим мисоллар келтирамиз. Марказий Осиё давлатлари ҳукумат раҳбарлари 1993 йил 4—5 январь кунлари Тошкентда тўпланиб, ТУРОН ЗАМИНИДА ЯГОНА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ МАЖМУИНИ вужудга келтириш масаласини келишиб олишди. Ушбу тарихий учрашувда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ (МОД) деб аталадиган бўлди. Шугина жуғрофий номнинг ўзи ҳам Турон заминда бирлашишнинг энг муҳим белгиси эди. Мазкур йиғилишда МОДда бошланган мустақил иқтисодий сиёсатни сусайтирмаган ҳамда ушбу заминда мустақил давлатчиликни тан олган ҳолда яхлит халқ хўжалиги мажмуи ташкил қилишнинг дастлабки қадамлари қўйилди. Жумладан, Ўзбекистонда «Пахта», Қозоғистонда «Дон», Туркманистонда «Нефть», Қирғизистонда «Энергетика» қўмиталари тузишга қарор қилиндики, МОД халқ хўжалигининг мазкур етакчи соҳалари ҳамкорликда ривожлантириладиган бўлди. Шундан кейин МОД раҳбарлари ва ишбилармонлари тез-тез учрашмоқдалар. МОДда иқтисодиётни, фанни, маданиятни, савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришга оид икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар имзоланди.

1994 йил январь ойида МОД аро яхлит иқтисодиётни яратиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. Бу Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида Президентлар И. Каримов ва Н. Назарбоевнинг «Ягона иқтисодий маконни барпо этиш ҳақидаги битим»ни имзолаганликлари бўлди. Тез орада бу битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Натижада МОДнинг 90 фоиз иқтисодий имкониятга эга бўлган Турон заминида ягона иқтисодий макон вужудга келди. Бунинг маъноси шуки, МОД таркибидаги ушбу давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг барча жабҳаларида ва айниқса товар айирбошлашда тўсиқлар олиб ташланди, эркин савдо-сотиқ қилишга йўл очилди, бир давлатдан иккинчисига олиб ўтиладиган маҳсулотлар учун бож тўлаш бекор қилинди. Шубҳасизки, яқин фурсатларда «ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН» шартномасига кўра МОДнинг бошқа давлатлари ҳам қўшилади ва шу асосда МОДда иқтисодий интеграциянинг қарор топишига мустаҳкам пойдевор қўйилади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Туркистон халқлари дўстлигини оилага қиёслаб ва шундай деди: «Ота юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади. Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир».

Марказий Осиёдаги барча мустақил давлатлар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусият, имконият, йўналиш ва қонуниятларига эга. Айни пайтда Марказий Осиёдаги барча давлатларни бирлаштирувчи, уларнинг халқ хўжалигини узвий ривожлантиришга асос бўладиган тарихий-жуғрофий омиллар ҳам бор. Уларнинг айримларини санаб ўтамиз.

МЕҲНАТ РЕСУРСИ ОМИЛИ. МОД аҳолиси 1979 йилда 40109 минг, 1989 йилда 49381 минг, 1994 йилнинг бошида эса 55200 минг кишини ташкил қилди. Яъни кейинги 15 йил ичида асосан туб аҳолининг табиий ўсиши ҳисобига 15 миллионга кўпайди. МОД аҳолиси тенг ярми 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу эса минтақада меҳнат ресурсининг гоят кўп эканини билдиради.

Туб аҳоли Турон заминида топган халқ хўжалигини ривожлантириш учун тарихий тажрибага эга. Бу заминда давлатлар мустақиллиги таъминланиши билан ёшларни хорижий давлатларда ўқитиш, уларга ҳунар ва илм ўргатишга ғоят катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда туркий халқлар ҳамкорлиги тобора кучаймоқда, МОДнинг кўпчилик давлатларида лотин ёзувига ўтиш йўлга қўйилмоқда. Бундай тадбирнинг амалга оширилиши ҳам Туркий халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган муҳим омилдир.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ОМИЛ. МОДнинг табиати, табиий жуғрофий ресурслари ҳам бир-бирини тўлдирувчидир. Уларнинг иқлим ресурслари бир-бириникига яқин. Бу биринчидан, минтақада ҳар қандай кечпишар қимматбаҳо жануб деҳқончилигини, иккинчидан, ҳаво ҳарорати фойдали қурсаткичларидаги фарқлар МОД аро деҳқончиликни табақалаштириб ривожлантириш имкониятини берадики, бу нарса минтақадаги давлатларни бир-бирига боғлайди. Масалан, Қирғизистоннинг иқлимий шароити қанд лавлаги етиштириш учун, Жанубий Ўзбекистоннинг об-ҳавоси ингичка толали пахта етиштириш учун ўта қулай ва ҳоказо.

Кўҳна Турон заминда яхлит иқтисодиётни вужудга келтириш учун оғир саноатнинг муҳим соҳалари: энергетикани (айниқса, нефть, газ, кўмир саноатини), қора металлургияни, рангдор металлургияни (айниқса, мис, қўрғошин, рух, қалайи, олтин, кумуш ишлаб чиқаришни), кимё саноатини (асосан минерал ўғитлар, ош тузи ишлаб чиқаришни) ҳамкорликда ривожлантиришнинг кенг истиқболлари бор.

Шунингдек, МОДни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириб турган илмий-техникавий ва транспорт омиллари ҳам мавжуд. Ўтган йиллар ичида Марказий Осиё давлатларининг ҳар бирида ўнлаб, юзлаб саноат корхоналари барпо қилинганки, бу нарса давлатлараро ягона иқтисодиётни вужудга келтиришда қудратли омил бўлади. Айни пайтда Марказий Осиё давлатлариаро темир йўл ва автомобиль йўлларининг боғланиб кетганлиги, яхлит қувур транспортининг мавжудлиги ҳам Турон заминида ягона халқ хўжалиги мажмуини вужудга келтириш учун муҳим омилдир.

Хуллас, Турон заминида ягона халқ хўжалиги мажмуининг вужудга келишига барча асослар бор. Этник келиб чиқиши, тили, дини, эзгу мақсадлари бир бўлган туркий халқлар, уларнинг одил ва оқилона сиёсат олиб бораётган юртбошилари бу қадим заминда иқтисодий интеграцияни вужудга келтириши, яхлит иқтисодиётни яратиб, жаҳон иқтисодиёти ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшиши шак-шубҳасиздир.

Абдимўмин РЎЗИЕВ,
география фанлари доктори,
профессор.

Партия ва ҳаёт

ПЛАКАТДА МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИ

Урганч шаҳридаги Комилжон Отаниёзов номли 15-маҳаллада 3270 нафар киши истиқомат қилади. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, аҳолини фойдали меҳнатга кўпроқ жалб этиш, бунинг учун ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш, ёрдамга муҳтож бўлган аҳоли табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, миллий, маънавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва бошқа бир қатор вазифалар маҳалла қўмитаси ва ХДП ҳудудий бошланғич ташкилоти диққат марказида турибди.

Партия ташкилотида 62 нафар аъзо бўлиб, уларнинг барчаси маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, ишчилар. Маҳалла кенгаши ўз ишини ҳар доим ҳудудий партия ташкилотига суянган ҳолда олиб боради. Ҳозир маҳаллада сартарошхона, этиқдўзлик, бош кийимлар устахонаси, бешта тижорат, тўртта гўшт дўконлари ва бошқа маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди.

Яқинда ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши мазкур фуқаролар йиғини кенгаши билан ҳамкорликда маҳалла ҳаёти ва ҳудудий партия ташкилоти иш тажрибаларини кенг ёйиш мақсадида катта ҳажмда плакат чоп қилдирди. Ушбу ташвиқот воситаси шу кунларда вилоятнинг барча маҳаллалари ва ҳудудий партия ташкилотларига тарқатилмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири..

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

Қадрият

ШОН-ШУҲРАТ МУЗЕЙИ

• БУХОРО (мухбиримиздан). Қадимий шаҳарда музейлар яна биттага кўпайди.

Шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши ташаббуси билан шон-шуҳрат музейи ташкил этилди. «Бу музей,— дейди уруш ва меҳнат фахрийлари шаҳар кенгаши раиси У. Камолов,— юртимиз бой тарихининг ўзига хос масканларидан бири бўлиб қолади. Ёш авлодни оталар жасорати, Ватан туйғуси руҳида тарбиялашга хизмат қилади».

Даврон БАҲРОНОВ.

Тижорат

ҚУЛАЙ ВА АРЗОН

• ТОШКЕНТ (вилоят мухбиридан). Аҳолини зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш мақсадида вилоят шаҳар ва туман марказларида супермаркет дўконлари ишга туширилмоқда.

Бундай дўконлардан бири — «Дилноза» Паркент туманида аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Қўшқаватли хусусий дўконда озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга уй-рўзғор буюмлари ҳамда мебеллар харид қилиш мумкин. Савдо хизмати харидорларнинг талаб ва истаклари ҳамда буюртмалари асосида ташкил қилинган. Кўрсатилаётган хизматдан аҳоли мамнун. Боиси, савдога қўйилган моллар тижорат дўконларидагидан бирмунча арзон.

Абдунаби МАННОПОВ.

Газлаштириш

АСОСИЙ КОНГА УЛАНАДИ

• ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Чироқчи туманида қишлоқларни газлаштиришга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Лойиҳа бўйича Увада газ конидан фойдаланиш кўзда тутилган эди. Лекин газга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Увададаги заҳира эса Чироқчи шаҳрини ҳам таъминламайдиган кўринади. Шу сабабдан Шўртанг газ конидан қувурлар тортиб келиш мўлжалланмоқда. Ҳозирча бир неча километрга қувурлар ётқизилди. Қишлоқларни газлаштириш мақсадида хўжаликларнинг маблағларини бирлаштириш билан етарли миқдорда қувурлар келтириш мўлжалланмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

Ёзги дам

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

• Хоразм (мухбиримиздан). Вилоятда болалар дам олишини намунали ташкил этишга аҳамият бериляпти.

Қўшкўпир туманида ташкил этилган учта оромгоҳ мавсумга тайёрлаб қўйилди. «Амирқум» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Ҳумо» хўжаликлараро санаторий-профилакторийда болалар саломатлигини мустаҳкамлашга шароит яратилган. Шунингдек «Тошкент» жамоа хўжалигида жойлашган «Умид», «Обод» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Шодлик» хўжаликлараро болалар оромгоҳларида ёз буйи 2,5 минг ўғил-қиз дам олиши мўлжалланмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Саломатлик

ОНА ВА БОЛА — ГУЛУ ЛОЛА

Тошкент шаҳри ва вилояти доришунослари ҳамда акушер-гинекологларининг семинарида беморларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва уларни контрацепция (ҳомиладорликнинг олдини олиш) замонавий усулидан хабардор этиш бош мавзу бўлди.

Семинарни «СОМАРК» дастурини (ўзгаришга эришиш учун ижтимоий маркетинг) амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Американинг «Фючерс групп интернейшнл» ташкилоти ўтказди. Ўзбекистон ва Америка мутахассислари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган «СОМАРК» дастури ҳукуматлараро битимлар асосида амалга оширилмоқда.

Бир-бирининг қўлини ушлаб турган эркак ва аёл тасвири туширилган «Қизил олма» ҳамкорлик дастурининг рамзи ҳисобланади. Тез орада уни кўпгина дорихоналар, аёллар маслаҳатхоналари ва бошқа даволаш масканларида кўриш мумкин. Ушбу белги мазкур жойларда харидор ва мижозларга замонавий тиббий ютуқлар асосида ғоят сифатли хизмат кўрсатилишини билдиради. Ҳамкорлик дастури мамлакатимиз келажаги — янги авлоднинг соғлом туғилиши ва ўсиши учун оналарнинг ўзларини соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, она ва бола гулу лоладир.

Алишер РЎЗИЕВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«СУВ КЕРАКМИ? ТУН ЯРМИДА ТУРИНГ»

Газетанинг шу йил 29 апрель сонида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада пойтахтимизнинг А. Икромов туманига қарашли Қори ёғди маҳалласида сув танқислиги юз бераётгани хусусида сўз юритилган эди. Мақола юзасидан обиҳаёт таъминотига мутасадди идора — «Сувсоз» трести бошқарувчиси З. СОЛИХЎЖАЕВ имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Сувсоз» трести ходимлари Қори ёғди маҳалласининг Садоқат кўчаси 1-30 хонадонларида сув танқислиги ҳақидаги мақолани жойига чиқиб ўрганиб, қуйидагиларни маълум қиладилар:

Қор ёғди маҳалласининг Садоқат ва Пешқадам кўчаларида ёз ойларининг ичимлик суви истеъмоли кўпайган вақтларида тақсимотда узилишлар бўлган.

«Сувсоз» трести маҳалла аҳолиси сув таъминотини яхшилаш мақсадида шу йилнинг 1-чорагида Пешқадам кўчасида узунлиги 250 погон метр ва Садоқат кўчасида 180 метр сув тармоғи қуриб ишга туширди.

Бугунги кунда тармоқдаги сув йўналишлари тақсимоти созланиб, Садоқат кўчасидаги хонадонларда сув таъминоти яхшиланди.

«МУХЛИСЛАР РАНЖИМАСИН»

Шу йил 28 мартда чоп этилган шу сарлавҳали танқидий чиқишга Қарши шаҳар ҳокимининг ўринбосари И. ШАРОПОВ қуйидагича жавоб йўллади:

Қарши шаҳар ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 1995 йил 28 март сонида чоп этилган «Мухлислар ранжимасин» сарлавҳали мақоласини вилоят, шаҳар спорт қўмиталари, шунингдек, касаба уюшмалари, «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Қашқадарё вилоят кенгашининг мутасадди ходимлари иштирокида кўриб чиқди. Мақолада билдирилган танқидий фикрлар асосли деб топилди.

Шаҳар ҳокимлиги юқорида қайд этилган ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқди.

Айни пайтда «Меҳнат» ўйингоҳида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Сув ҳавзаси, ечиниш хоналари, сауна, футбол майдони тўла таъмирланди. Томошабинлар ўтирадиган жойларни, 2 қаватли маъмурий бинони, қозонхонани таъмирлаш бошлаб юборилди.

Ўйингоҳнинг катта залини таъмирлаш учун маблағ манбаларини излаб топиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Нукус шаҳрида очилган дўконда «Ойзода» фирмасининг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларгина сотилмоқда. Бу маҳсулотлар харидорларга ҳар томонлама маъқул келаётир. Улар замонавий услубда тикилган бўлиб, гўзаллиги ҳамда сифатлилиги билан ажралиб туради.

Энг муҳим фирма маҳсулотлари ўзининг ранг-дорлиги, ўзига хос безаклари, миллий услубда тикилганлиги билан ажралиб туради. Корхонада маҳсулотларнинг 40 дан зиёд тури тайёрланаётир. Эркаклар, аёллар, болалар кийимлари, миллий халатлар, нимчалар, дўппи, туфли ҳамда турли ёдгорликлар одамларга манзур бўляпти.

Корхона эсварлари ўз бувиларининг маҳоратларидан фойдаланиб, ҳақиқий санъат асарлари яратишаётир. Улар қадимий анъаналарни ҳозирги замон талаблари билан боғлаб олиб бораётирлар. Ҳозирги замон модасидан орқада қолмасликуларнинг асосий нияти. Шу боис «Ойзода» фирмасининг маҳсулотларини харидорлар юқори баҳолашмоқда.

Корхонада чиқиндисиз технология юзага келтирилган. Ҳатто чарм бўлаклари, постандарт материал ва ипдардан ишбилармон усталар жуда гўзал ўйинчоқлар, уйда кийиладиган шиппаклар, кичик ҳажмдаги ёдгорликлар, қўлқоплар ва рўзғор буюмлари тайёрлайдилар. Одамлардан тушган махсус буюртмаларни бажарадилар. Шунингдек бу ерда пойафзалларни таъмирлайдиган кичик цех ҳам очилган. Бу корхонанинг раҳбари Ойзода Удербоевадир. У кўплаб буюмларнинг муаллифи, янги-янги моделлар, безаклар ва замонавий буюмлар ишлаб чиқаришнинг ташаббускори.

Суратда: корхонанинг илғор бичиқчиси Элика Собирова.

Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган сурат.

Долзарб мавзуда суҳбат

ВЕКСЕЛЬ НИМА?

Бугун Ўзбекистон Республикаси молия тизими, қолаверса, республика Марказий банки олдида турган асосий вазифа муомалага аллақачон киришиб кетган миллий пулимизнинг қадрини кўтариш ва уни эркин айирбошланадиган валютага айлантиришдан иборат.

Республикамиз Марказий Банки қимматбаҳо қоғозлар бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Ислом САЛОМОВ миллий валютамизнинг қадрини ошириш борасида яна нималар қилиш кераклиги ҳақида ўз фикрларини шундай баён қилди.

— Пулнинг қадрсизланишига катта таъсир кўрсатаётган бугунги кундаги асосий сабаб — бу корхона ва ташкилотларнинг амалга оширилмаган ўзаро тўловлари, бир-биридан бўлган қарзларидир.

Шунинг учун ҳам «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Президент фармони истеъмолчиларнинг молиявий аҳволини инобатга олмай, пухта ҳисоб-китоб қилмай туриб, уларга маҳсулот етказишни давом эттираётган корхона раҳбарларига нисбатан қатъиқ жавобгарлик чораларини қўллаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ана шу борада ўзаро тўловларни тўғри йўлга қўйиш, уларни тезлаштириш соҳасида ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Бунга халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини, қурилиш объектларини марказлаштирилган кредит ресурслари билан инвестициялаш, республикада электрон ҳисоб-китобларнинг жорий этилиши мисол бўла олади. Бугунги кунда республикада 348 та банк ўртасида электрон тўловлар системаси ўрнатилган бўлиб, тўловлар узоғи билан 2 кун ичида амалга оширилмоқда. Бу иш шу йилнинг охиригача республика ҳудудида тўлиқ амалга оширилади.

— Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида» қарори чиқди. Бундан кейин ҳисоб-китоблар қандай бўлади?

— Бошқа давлатлар тажрибасидан маълумки, халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, ўзаро қарзларни камайтиришнинг муқобил услубларидан бири бўлиб, хўжалик оборотида векселлардан ҳисоб-китоб, тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ҳисобланади. Ўзаро қарзлар муаммосига қарши курашда ишлатилаётган вексель кредити Олмония, Россия, Украина ва бошқа давлатларда ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистонда вексель муомаласини ташкил этишда ана шу давлатларнинг тажрибаларига тўлиқ амал қилинмоқда. Чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қабул қилинган қарори республикада вексель муомаласини ташкил этишнинг барча ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Биринчидан, бошқа қўшни давлатлардан фарқли ўлароқ, векселлардан халқ хўжалигида фойдаланишга ўтиш бир неча босқичда амалга оширилади. Иккинчидан, дастлабки босқичда кўпроқ тижорат банкларининг векселларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Учинчидан, муомалага чиқарилган ҳар бир вексель олдиндан эмитентнинг тўлов қобилияти аниқланиб, банклар томонидан рўйхатдан ўтказилади.

— Ислом Тошқозоқович, вексель ўзи нима? У қай ҳолларда ишлатилади? Унинг аҳамияти қандай? Шу ҳақда ҳам атрофлича тўхталсангиз.

— Вексель, авваламбор, бир шахс томонидан иккинчисига ёзиб берилган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғознинг бир шакли. Векселни ҳар қандай тўловга қобил корхона ва ташкилот ёзиб бериш ҳуқуқига эга. Вексель сотилиши, кредит сифатида берилиши ва бирон-бир олди-сотди битимида ҳисоб-китоб, тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Векселлар тижорат ва молия векселларига бўлинади. Тижорат векселлари аниқ бир савдо шартномаси учун ёзилади. Шунинг учун ҳам уни кўпроқ товар векселлари ҳам деб юритилади. Молия векселларига тижорат банклари томонидан чиқариладиган векселлар мисол бўла олади. Қўлланиши нуқтаи назаридан эса векселлар ўтказма ва оддий векселларга бўлинади.

Муомалага киритилаётган векселлар камида 5-6 маротаба айланиши олдиндан ҳисобга олиниб чиқарилади. Демак, ҳар бир сўмлик вексель камида 5-6 сўмлик қарзни узишга хизмат қилади. Буни ҳаётий мисолларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, хориж тажрибасини кўриб чиқсак, Россиядаги йирик корхоналардан бири бўлган «Ростсельмаш» заводи Ростовдаги «Центр Инвест» банкининг 900 миллион рубль миқдорида вексель кредити ёрдамида 60 кун мобайнида ўз кредиторлари олдидаги 6 миллиард сўмлик мажбуриятини бажаради. Бунда ҳар бир вексель камида 6 марта айланган ва улардан биттаси 17 та олди-сотди битимида қўлланилган. Умуман, «Центр-Инвест» банки 1994 йилнинг июнидан декабригача 22 миллард сўмлик вексель чиқариб, улар Ростов вилоятидаги қарзлар муаммосини 120 миллиард сўмга камайтирди.

— Жорий этилаётган вексель билан ҳисоб-китоб тўлов тизими бирнеча босқичда ўтказилишига изоҳ берсангиз...

— Юқорида таъкидлаганимиздек, вексель билан ҳисоб-китоб қилиш тўлов тизимини вужудга келтириш республикамизда бир неча босқичда амалга ошириш режалаштирилмоқда. Дастлабки босқичда тижорат банклари ва айрим тўловга қобил хўжалик субъектлари (корхоналар) томонидан чиқарилган векселлар жорий этилади.

Шунинг учун вексель тўлови ҳам тижорат банклари томонидан назорат қилинади.

Иккинчи босқичда банклар бир-бирининг векселларини ҳисобга олиш ва улар бўйича тўлаш ҳақида шартномалар тузиш йўли билан ягона вексель майдони (давраси) яратилади. Бу воқеаларнинг айланиши ҳудудини кенгайтиради ва ликвидлилигини оширади. Агар Деҳқончилик-саноат банки векселига эга бўлган корхона Саноат-қурилиш банкининг хоҳлаган бўлимида тўлов учун пули ни оладиган бўлса, бу корхоналар ўртасидаги тўловларни анчагина осонлаштиради.

Кейинги босқичда эса, ҳисоб ва тўлов воситаси сифатида корхона ва ташкилотнинг тижорат векселларидан кенг фойдаланишга ўтилади.

Тўртинчи босқичда векселларни Марказий банк томонидан қайта ҳисобга олиш (тижорат банкларининг портфелида мавжуд бўлган векселларни ҳисобга олиш) операцияларини амалга ошириш назарда тутилмоқда.

— Марказий банк олдида бу борада яна қандай масъулиятли вазифалар турибди?

— Ҳар бир банк вексели муомалага чиқарилишидан олдин Марказий банкда рўйхатдан ўтади ва қайд дафтарига киритилади. Марказий банк фақат мустаҳкам ва иқтисодий нормативларга риоя қилувчи банклар векселларига рухсат беради. Бу банк векселларига бўлган ишончни оширади.

Векселнинг номиналидан паст нархда, яъни дисконт билан сотиладиган тури бор. Масалан, корхона 100 минг сўмлик вексель учун 80 минг сўм тўлаб, уни 3 ой мобайнида маҳсулот (хизмат бажарилган иш) учун тўлов сифатида ишлатиши мумкин. Бу албатта, корхонанинг ишлаб чиқаришдаги самарасини оширади.

Сир эмас, сотувчилар молларини харидорга етказиб бермасдан ўз моллари учун тўлов олишга ҳаракат қилишади. Тўловнинг банк томонидан кафолатланганлиги олдиндан тўлаш заруратини олиб ташлайди ва айланма маблағлар айланишини анчагина тезлаштиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Вазирлар Маҳкамасининг Республикамизда векселларни қўллаш тўғрисидаги қарори билан векселларни муомалага киритиш ҳуқуқини бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилган. Шунинг учун ҳам Марказий банк томонидан ривожланган давлатларнинг халқ хўжалигида вексель муомаласидан фойдаланиш тажрибалари ўрганилиб, республикада уни ташкил этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Марказий банк, Молия вазирлиги ва тижорат банкларининг мутахассисларидан иборат векселларнинг чиқарилишини ташкил этувчи Ишчи комиссияси тузилган ва улар жойларда вексель муомаласини ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида ишлар олиб бормоқдалар.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган тижорат банклари векселларини чиқариш ва муомаласини ташкил этиш қоидаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни нормаллаштириш, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун масъулиятни ошириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан маъқулланиб, барча шаклдаги хўжалик субъектлари ўртасида ҳисоб-китобларни тижорат банкларининг векселлари билан амалга оширишга рухсат берилди. Марказий банк томонидан «Ғаллабанк», «Туронбанк», «Ўздеҳқонсаноатбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзсавдогарбанк», «Ўзмевасабзавотбанк»нинг жами 960 миллион сўмлик оддий векселлари рўйхатдан ўтказилди ва улар муомалага чиқарила бошланди.

Суҳбатдош:
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОТУВЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Нью-Йоркдан хабар қилишларича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби Бутрос Ғолий Тожикистон ҳукумати билан муҳолиф кучлар ўртасида Алматида бўлиб ўтган музокараларнинг тўртинчи босқичини миллий тотувликка эришиш йўлида қўйилган ижобий қадам сифатида баҳолади.

У Хавфсизлик Кенгашига БМТнинг Тожикистондаги миссияси фаолияти муддатини 16 декабргача узайтиришни таклиф қилди.

УЧ ЮЗ МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК КРЕДИТ

Халқаро валюта фонди Қозоғистон Республикасига шунча миқдорда қарз беришга тайёр.

Қозоғистон Республикаси миллий банки раиси ўринбосари Григорий Марченконинг хабарига кўра, халқаро валюта фондининг экспорт гуруҳи Алмати шаҳрига ташриф буюрган пайтда бу ҳақдаги протоколга имзо чекилганди.

Умуман, Қозоғистон халқлари валюта фондининг кредит ажратишни таъминлайдиган асосий талабларини бажарган. Зеро, бу ерда инфляция суръати апрель ойида беш фоизга пасайган. Ахир шу йилнинг январь ойида инфляция миқдори 8,9 фоизни ташкил этарди, бюджет етишмовчилиги эса 4,2 фоизга борарди. Энди эса иқтисодий барқарор республикага маблағ ажратишга қарор қилинди.

ХАЛҚ БИРЛИГИ КОНГРЕССИ КАМСИТИШЛАРГА ҚАРШИ

Душанбе шаҳрида Тожикистон халқ бирлиги конгрессининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда қабул қилинган декларация конгрессининг жиддий ниятларини ошкор қилди. Жумладан, унинг ташкилотчилари турли жамоат, сиёсат, ижтимоий ташкилотларни ва Тожикистоннинг турли миллий қатламларни бирлаштириш, ҳар қандай ижобий режаларни амалга ошириш, ҳудудий сепаратизмни бартараф этиш сингари муҳим масалаларни ҳал этишни кўзда тутишган. Бундан таш-қари халқ бирлиги конгресси сиёсий, иқтисодий ва миллий жиҳатдан камситишларга ҳамда давлат қурилишида, сиёсий ва ижтимоий кафолатларни таъминлашда йўл қўйилган камчиликларга қарши курашади. Республикада яшаётган турли миллат ва элатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган нормаларга кўра ижтимоий ҳимоя қилишга тайёр.

МАТБУОТЧИЛАРНИНГ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Яқинда Бишкекда журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ахборот маркази ташкил этилди. Унинг очилиш маросимида Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев сўзга чиқиб, бундай деди: «Сўз эркинлиги — бу демократик жамиятнинг энг муҳим қирраларидан биридир. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, эркин мутбуот Қирғизистондаги демократия эришган салмоқли ютуқлардан биридир».

Ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари шу кунларнинг воқеаларини акс эттириш билан бирга уни тўла муҳокама қилмоқда. Шу йўл билан давлат ҳокимияти органларига мамлакат учун ўта муҳим бўлган қарорларни қабул қилиш ва уларга тузатиш киритишга ёрдам берянти. Бу борада албатта эндигина ташкил этилган матбуотчилар маркази ёрдам бериши турган гап. Бу ерда замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Марказда турли семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказилиб, журналистларнинг маҳоратини янада оширишга хизмат қилади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Миробод туманига қарашли «ТАЪМИР»қурилиш ширкати

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар Охунбобоев кўчаси, 34-уйда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Орол дарди — олам дарди

ҒАРБ ВА ШАРҚ: МУШТАРАК МУАММО

Парижда Орол денгизи муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Орол денгизи муаммоси билан боғлиқ бир қатор экологик масалалар ҳам муҳокама қилинди...

«Париж қаёқда-ю, Орол денгизи қаёқда. Тинч хотиржам, ўз ташвиши билан нафас олаётган парижликларнинг Орол муаммолари билан қандай алоқалари бўлиши мумкин?» дейишингиз мумкин. Аслида эса она-табиатни севган ҳар бир одам учун Париж билан Оролнинг алоқасини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зеро, она-табиатни севишнинг, уни муҳофаза қилишнинг чекичегараси йўқ. Бас, шундай экан, Европанинг юраги саналган Парижда Орол муаммоларига бағишланган Халқаро анжуманнинг ўтказилиши табиий бир ҳол деб саналиши керак.

Маълумки, Халқаро банкнинг ташаббуси билан чақирилган Париж анжумани кун тартибида турган асосий мавзулардан бири Орол «дарди»ни даволаш учун сармоя ажратиш масаласи бўлди. Ушбу долзарб масалани муҳокама қилиш ишида БМТ, ЮНЕСКО, ЮНЕН сингари нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, АҚШ, Франция, Олмония, Англия, Канада, Нидерландия ва Голландиядан ташриф буюрган олимлар, экологлар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок қилдилар.

Ушбу сатрларнинг муаллифи ва биология фанлари доктори, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги етакчи маслаҳатчиси Абдуқодир Эргашев иккаламиз анжуман бошланишидан икки кун аввал Парижга етиб бордик.

Ҳеч кимга сир эмаски, бу шаҳарга илк бор қадам қўйган киши ҳайратга тушади. Кўзни қамаштирувчи ранг-баранг рекламалар, осмонўпар бинолар, ҳашаматли қасрлар, тарихий обидалар, қадимий черковлар, афсонавий Эйфель минораси бир дамга ҳушингизни ўғирламай иложи йўқ. Лекин ҳозир мавзу бу ҳақда эмас.

ЮНЕСКО ВА ПРОФЕССОР АННЕМАРИ ШИММЕЛЬ

Париж кўчалари ва дўконларини айланиб, шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган муъжазгина меҳмонхонага киришимиз билан телефон жиринглаб қолди. Маълум бўлишича, ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океан минтақалари муаммолари бўлимининг раҳбари В. Мустафоев қўнғироқ қилаётган экан.

— Бемалол бўлса, бизнинг шўъбамизга ташриф қилсангизлар, ҳам танишиш дегандай, ҳам анжуман кун тартибида турган масалаларни гаплашиб олар эдик, — деди у киши.

Дунёдаги нуфузли ташкилотлардан бири бўлган ЮНЕСКО ҳақида кўп ўқиганмиз ва кўп эшитганмиз. ЮНЕСКОнинг эътиборли ходимларидан ҳисобланган ва озар миллатига мансуб бўлган В. Мустафоевнинг савоб ишларидан ҳам озмоз хабаримиз бор.

Ўрта бўйли, қорамағиз юзли, истараси иссиқ В. Мустафоев бизни илиқ кутиб олди ва ЮНЕСКОнинг дастури доирасида олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида сўзлаб берди. Сўнгра бизни бу нуфузли идоранинг хоналари бўйлаб олиб юрди, чоп қилинган журналлар, газеталар, китоблар ва бюллетенлар билан таништирди.

Мен беихтиёр ЮНЕСКОнинг илмий ахборотларидан бирини варақлаётган эдим Аннемари Шиммелнинг «Германия ва Ўзбекистон» деб номланган мақоласига кўзим тушиб қолди. Бу қайси Аннемари Шиммель бўлди экан? Мен таниган профессор Шиммелми ёки...

Маълум бўлдики, мақола муаллифи, юртимизнинг дўсти, шарқшунос олима Шиммель хоним экан. Мен уни яхши биламан. Илгари ҳам учрашганман, мароқли маърузасини эшитганман. Аннемари хоним уруш йиллари устози Аннемари фон Габен таъсирида ўзбек тилини ўргана бошлаган. Устози 1993 йили 92 ёшида вафот қилган. У 1945 йили Европа олимлари орасида биринчилардан бўлиб, ўзбек тилининг грамматик қурилиши ҳақида китоб ёзган.

Ўзбек тилини ўрганиши туфайли шеър ёзишни машқ қила бошлаган Аннемари Шиммель хоним ЮНЕСКО журналларидан бирида чоп қилинган мақоласида Самарқанднинг пайдо бўлиш тарихи, Амир Темур салтанати, буюк боболаримиз Аль-Бухорий, Ал-Форобий, Ибн Сино, Ал-Беруний, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Бобурлар фаолияти ҳақида ҳурмат ва эҳтиром билан ёзади. Ва шу билан бирга Олмония кутубхоналарида сақланаётган Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва Шайбонийхонларнинг қўлёзмалари ҳақида ҳам маълумот беради.

ПАРИЖ ВА РОБИЯ СУЛТОНБЕГИМ

Халқаро анжуман бошланиши арафасида Ле Колли исмли аёлнинг мени сўраб-суриштираётганини айтиб унинг телефонини беришди. Қўнғироқ қилдим.

— Сизни ташвишга қўйганим учун узр, — деди нотаниш аёл. — Агар вақтингиз бемалол бўлса, сиз билан учрашмоқчи эдим. Зарур гапларим бор.

Биз учрашиш вақтини келишиб олдик.

Менинг қаршимда узун бўйли, тўладан келган, ёши тахминан элликларга бориб қолган Ле Колли хоним.

— Кўпдан буён шарқ халқларининг тарихи билан қизиқаман. «Темурийлар даври тарихи ва санъати» жамияти ишида қатнашиб ҳам тураман. Жамиятнинг фаоллари Люксен Карен, Федерик Боппартюз ва бошқалар Темурийлар даври ҳақида кўпгина фойдали ишларни амалга оширдилар. Мен эса темурий маликалар ҳаёти ҳақида материаллар тўплаб юрибман. Гапнинг тўғриси, икки йилдан буён Мирзо Улуғбекнинг суюкли қизи Робия Султонбегим ҳақида роман ёзаётирман. Сиз Робия Султонбегим ҳақида нималарни биласиз?

Мен, очиғи, дастлаб бироз гангиб қолдим. Буюк бобомизнинг суюкли қизлари ҳақида нималарни биламан? Аслида бу мавзуни ўзимиз ёритишимиз, тарғиб қилишимиз лозим эди. Тўғри, шарқшунос олимларимиз Бўривой Аҳмедов, Амриддин Бердимуродовларнинг Робия Султонбегим ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан таниш-ман.

Келли хоним ўртага чўққан жимликни бузиб, шундай деди:

— Романимни «Абулхайрхон ва Робия Султонбегим» деб номладим. Масъуд ибн Усмон Кузистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» асари ҳақида анчамунча маълумотларга эгаман. Қизиқ, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхон Мирзо Улуғбекнинг душмани бўлган. Лекин унинг суюкли қизи билан йигирма йилдан ортиқ турмуш қурган. Уларнинг фарзандлари Суюнчихон ва Кучкинчихонлар ҳамиша онаси ҳурматини жойига қўйганлар, унинг маслаҳати билан иш юритганлар.

— Энди навбат сизга, — деди жилмайиб Келли хоним. — Сиз гапиринг, мен эшитай.

— Манбаларда айтилишича, — дея ўз ҳикоямни бошладим мен ҳам, — Мирзо Улуғбекнинг бешта қизи бўлган, Робия Султонбегим унинг тўртинчи, аммо суюкли қизидир. Мироншоҳнинг набираси Абу Саид кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхоннинг ёрдами билан Самарқанд тахтини Мирзо Улуғбекнинг шоигирди ва куёви Мирзо Абдулладан тортиб олади. Ана шу ғалаба шарафи учун Абулхайрхон номи хутбага қўшиб ўқилади. Абу Саид Абулхайрхонга миннатдорчилик рамзи сифатида Робия Султонбегимни унга хотинликка беради. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Робия Султонбегим ниҳоятда доно ва гўзал бўлган. Кўпгина темурий шаҳзодалар унинг висоли орзусида яшаганлар.

Айтишларига кўра, Шоҳруҳ вафотидан кейин Хуросон тахти учун аёвсиз курашлар бошланган. Бу курашларда, айниқса, Шоҳруҳнинг кенжа фарзанди Муҳаммад Жўқийнинг Абубакр исмли ўглининг қўли баланд келган. Хуросон тахтини ўз тасарруфига олишни ният қилган Мирзо Улуғбек нима қилиб бўлса ҳам Абубакрни ўйиндан чиқариш режасини тузади. Ана шу режани амалга ошириш учун Шайхулислом Мавлоно Исомиддинни унинг олдига юборади. Шайхулислом Абубакр Мирзога «Амалингиз Сизга Робия Султонбегимни унаштириб, куёв қилмоқчи» дейди. Робия Султонбегимнинг номини эшитган Абубакр Шайхулисломнинг барча шартларига кўнади.

Суюнчихон билан Кўчкинчихоннинг оналарига бўлган ҳурмат ва эҳтиромининг шундан ҳам билса бўладики, улар Робия Султонбегим вафот этгач, унинг қабри устига мақбара тиклашади. Мақбарани Орифлар султони Хўжа Аҳмад Яссавий хилхонаси ёнидан танлашди.

— Раҳмат, — деди Келли хоним ва сўзини давом эттирди:

— Шу йил ёз ойларида Робия Султонбегимнинг юртини зиёрат қилиш ниятим бор. Албатта, Самарқанд, Ясси, Сиғноқ сингари шаҳарлар билан таниша-ман. Маликанинг қабрини зиёрат қиламан. Тошкентга бораман... Келли хонимнинг сўзларини тинглаб ўтириб, хаёлларга толаман: Париж ва Робия Султонбегим. Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлайдиган иплардан бири. Демак, биз ўз юртимизда маънавий қадриятларимизни тиклаётган бир пайтда, жаҳон аҳли ҳам четда турмаяпти. Буюк аждодларимизнинг буюк ишлари, уларнинг турмуш тарзи барчани ҳайратга соляпти. Ҳар биримиз буюк боболаримиз, буюк момоларимизнинг эзгу ишларини кўз қорачиғимиздек асраб-авайлашимиз лозим.

СЕНА ВА ОРОЛ

Икки кун давом этган Халқаро анжуман ўз ишини тугатди. Анжуманда Орол борасида турли фикрлар, мулоҳазалар ўртага ташланди. Лекин асосий масалада — Оролни асраш масаласида ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди.

Халқаро анжуман Сена дарёси бўйида жойлашган Халқаро банкнинг штаб-квартирасида ўтказилди. Танаффус пайтлари Сенанинг бир маромда оқишини кузатиш мумкин. Ҳар сафар Сена бўйларига чиқар эканман, аста-секин қуриб бораётган Орол денгизи кўз олдимдан ўтаверади.

Бундан бир неча ой муқаддам мўғул олимлари она юрти ҳудудларига Орол тузлари келиб тушаётганини хабар қилишди. Ўтган йили қозоқ олимлари Л. Орлова ва Абдуловлар Оролнинг заҳарли, майда дорилар аралаш тузлари Помир ва Тян-Шань музликлари тепасида айланиб юрганини исбот қилиб бердилар. Анжуманда иштирок этган нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакилларидан бири сўзга чиқиб, шундай деди:

— Мен атроф-муҳитнинг бузилиши туфайли рўй бериши мумкин бўлган демографик жараён хавфидан қўрқаман. Осиёда рўй бераётган экологик фожеанинг ғарбга салбий таъсир қилмаслиги ҳақида ким ҳам кафолат бера олади?!

Дарвоқе, бир пайтлар собиқ СССРнинг собиқ раҳбарлари Оролбўйи аҳолисини олис Олтой ўлкасига кўчириш режаларини тузган эдилар.

Бир маромда оқаётган дарёга тикилиб қарайман. Йўловчилар билан лиқ тўла кемалар... Мендан сал нарида бир гуруҳ болалар қоғоздан ясалган кемаларини сувга ташлаб, қиқир-қиқир куладилар. Шундай пайтлар келадики, Орол болалари ҳам ўз қайиқлари ва кемаларида денгиз ҳудудлари бўйлаб сузадилар.

Эҳ, Сена... Сена... Сен ҳам Оролни тилга оляпсан. Мана, бир ҳафтаки фаранглар тилида Орол... Орол... деган сўзлар янграйди. Шу биргина анжуман учун ва унда Оролнинг дардини енгиллатиш учун айтилган самимий сўзлар, таклифлар, истаклар учун ҳам Сена — сени севса, ҳурмат қилса, эъзозласа арзийди. Ҳазил гапми, ахир, Халқаро БАНК Орол дардини енгиллатиш учун сармоя ажратди. Тўғри, бу сармоя шунчаки садақа ёки шунчаки хайрия сифатида эмас, балки қарзга берилди. Бу ҳақда ва бошқа кўпгина муаммолар ҳақида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон вакиллари ҳаяжон билан сўз юритдилар.

Сена дарёсининг жимиржимир қилиб оқаётган бўтана сувларига тикилиб қарайман. Гўё кўз олдимда Орол денгизига қуйилаётган Аму ва Сир дарёлари жонланаётгандек бўлади.

Пирмат ШЕРМУҲАММЕДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЯШОВЧИ, 9-СИНФНИ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ КИМЁ - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Табиий фанларга қизиқувчи, келажакда кимё озиқ-овқат саноатининг муҳандис-технологи бўлиб етишишни астойдил орзу қилган аълочи ўқувчиларни институт қошидаги лицейнинг 10-синфига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицейга қабул қилинган ўқувчиларни институтнинг тажрибали профессор ва ўқитувчилари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган аудитория ва тажрибахоналарда ўқитадилар. Шу билан бирга лицей ўқувчилари чуқурлаштирилган дастур асосида тест синовларига тайёрлаб борилади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
— институт ректори номига ариза;
— мактаб педагогик кенгаши тавсияномаси;
— мактабдан тавсифнома;
— 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
— тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
— 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Ҳужжатлар 15 июндан 30 июнгача ва 1 августдан 25 августгача қабул қилинади.

Суҳбатлар 25 августдан 31 августгача ўтказилади. Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади. Вилоятлардан келган ўқувчиларга институт ётоқхонасидан жой берилади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгохдан олишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 8-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МУСИҚАЧИЛАР ТАРБИЯЛОВЧИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ 1995-96 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Флейта, гобой, кларнет, фагот, волторна, труба, трамбон, туба, зарб билан чалинадиган асбоблар.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқишга 4-синфни тугатган ўғил болалар қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар ҳавола қилинади:

Тиббий маълумотнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 6 дона 3х4 см. ли фотосурат.

Ўқиш бепул. Ўқувчилар тўлиқ давлат қарамоғида бўладилар.

Аризалар 1 июндан 1 сентябргача қабул қилинади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, 700207, «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси, 2-квартал, 28-уй.

Автобуслар: 30, 110; трамвайлар: 29, 6. «Гўзал» бекати. Тел. 97-96-40.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ВА ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРГАРИН МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТАДИ

Маргарин таркибида пахта ёғи, сув, сут, сут зардоби, шакар ва тузлар мавжуд.

Маргаринларимиз — витаминларга бой ва тўйимлидир.

МАРГАРИН ТУРЛАРИ: сутли ҳамда сутсиз маргарин. "Саломатлик", "Парҳез" маргарини.

"Саломатлик" маргарини холецестит ҳамда ошқозон-ичак касаллиги билан оғриган беморлар учун шифобахшдир.

"Парҳез" маргарини эса қандли диабет касаллигини даволашда жуда фойдали.

Уларнинг ҳазм бўлиши осон.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Жарқўрғон кўчаси, 47-уй.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар энг олий сифатли маргаринларни бизнинг ҳиссадорлик жамиятимиздан пул ўтказиш йўли билан СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 96-57-02, 96-53-81, 96-54-81. Факс: 96-65-10.

ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ.

Муносабат

ТИЛИМИЗ НУФУЗИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Она тилимизнинг илдизлари бениҳоя бақувват. Бу илдизлар, неча асрларким, сўз деган соҳир хилқат синоатларини тадқиқ этиш билан машғул бўлган илм кишиларини ҳайратга солиб келади. Тарих отлиқ талотумли замонлар ичра кечаркан, тилимиз гоҳ ҳақли эътиборини топди, гоҳ нописандлик заҳрини тотди. Бунинг оқибатида баъзан юксалиб, баъзан тўнг тўғаноқлар қаршисида депсинсада, аста-секин ривожу камолот сари борди.

Маълумки, Марказий Осиёдаги — Туркистондаги ҳозирги туркий тиллар (қозоқ, қирғиз каби)нинг шаклланишида чиғатойча (ўзбекча) алоҳида ўрин тутган. Мазкур тил узоқ вақтлар бу улкан ҳудудда адабий тил вазифасини бажарганлиги ҳам сир эмас. Бу ҳол шуни кўрсатадики, ўзбек тилининг нуфузи эскидан катта бўлган. Аммо совет даврига келиб унинг нуфузи тушиб кетди. Ўша даврдаги «қизил» тил сиёсатига кўра, барча имтиёз рус тилига берилиб, бошқа миллий тиллар каби ўзбек тилининг қўлланиш доираси чекланди. Бу, албатта, маънавияти бут ҳар бир ўзбек қалбидаги адоқсиз оғриқ эди. Тушовли тил, оғриқли дил билан кун кечирмоққа муборак истиқлолимиз хотима ясади.

Ўзбек тилининг — республикамиз давлат тилининг тараққиёти масаласида ҳам анча ишлар қилинди, ва қилинмоқда. Унинг нуфузини кўтариш бугун умумдавлат ишига айланганлиги ҳақиқат. 1989 йилда қабул қилинган «Давлат тили ҳақидаги қонун» туфайли ўзбек тилининг такомили ва қўлланиши яхши йўлга қўйилди. Аммо дастлабки пайтда ўринли-ўринсиз эҳтиросларга берилиб, ҳар ким ўзича тилшуносга айланди. Гўёки четдан кирган атамаларни тилдан чиқариш билан барча муаммолар ҳал бўладигандай, ҳар ким чет сўз ўрнига ўзбекча муқобил изламоқда ва ишлаш тушиб кетди. Билиб-билмасдан арабча, форсча атамалар тавсия қилинди. Ўзбек тили қонуниятларига зид, сунъий сўзлар ясалди. Аммо тилнинг ўз тараққиёт қонуниятлари бор. Уларни бузиб бўлмайди. Тилга зўрлик билан бирор сўзни олиб кириш ёки чиқариб ташлаш мумкин эмас. Республика Атамақўми бу борада жиддий ижобий ишларни қилди, қилмоқда. Табиийки, атамаларни тартибга солиш, уни илмий асарларда, имкон қадар миллийлаштириш зарур. Лекин бу бир кунда ёки бир йилда бўладиган иш эмас. Айни пайтда ҳар қандай чет атамага ғашлик билан қараш, унга ўзбекча муқобил излайвериш тўғри эмас. Масалан, бутун дунё «морфология», «синтаксис», «математика», «физика», «теорема» деб турганда, биз уларни бошқа арабча, форсча ёки қандайдир сунъий ясама сўз билан ифодалашимиздан фойда йўқ. Ўз қобиғимизга ўралиб, фанни ривожлантириш мушкул. Ҳар ҳолда, атамаларни тартибга солишда мантиқли меъёрни унутмаслик керак.

Адабий тилимизнинг ривожи фақат атамаларгагина боғлиқ эмас. Одатдаги сўз бойлигимиз ҳам муҳим. Тилимизнинг бойиб бориши учун муҳим манбалардан бири халқ тили-шевалардир. Халқ тилида адабий тилда бўлмаган кўплаб сўз ва иборалар мавжуд. Уларнинг адабий тилга ўтишида сўз санъаткорларининг хизматлари беқиёс. Ўзбекистонимиз улкан мамлакат. Унда туркий тилнинг уч буюк тармоғи, яъни қорлуқ, қипчоқ ва ўғуз шевалари вакиллари яшайдилар. Ўзбекистоннинг бир ҳудудида деҳқончилик, хунармандчилик, бошқасида чорвачидик, яна бошқасида балиқчилик каби соҳалар яхши ривожланган. Бу соҳаларга оид адабий тилда ҳозирча йўқ сўзларни ана шу ҳудудлардан изламоқ керак. Таомшунос олим, марҳум Карим Маҳмудов хотираларидан бирида шундай воқеани ҳикоя қилган эди: Олим бир таомнинг тайёрланиш тартибини ёзиб, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорга кўрсатади. Унда «икра» сўзини кўрган ёзувчи «Бунинг ўзбекчаси йўқми?» — дей сўрайди. Олим: Балиқнинг уруғи деса бўлади», — дейди. Ёзувчи: «Нима, сизга балиқ ўсимликми?» — дейди. «Бўлмаса, балиқнинг тухуми бўлсин», — дейди олим. Ёзувчи: «Балиқ товуқ эмас», — дейди ва халқда алоҳида сўз борлигини айтади. Олим сафарларидан бирида Хоразмда бу сўзни эшитади, у ерда «увулдуруқ» дейиларкан... Халқ шевалари, айни пайтда ўзбек тилининг ўз холис ясалиш имконларидан фойдаланиб иш кўрилса, тилимизнинг табиий такомилини таъминламоқ мумкин бўлади.

Она тилини севмоқ фарз. Бу севги туфайли Ватан севгиси боқий бўлади. Ўзбек тили қадимий, гўзал ва мислсиз ифода имконларига эга. Бу ҳақиқатни исботламоқ учун сунъий, чучмал, ҳақиқатга зид далиллар изламоқ фойдали эмас. Бундай уриниш тилимизга, бизга обрў келтирмайди. Газеталаримиздан бирида тилимиздаги бир қанча сўзларнинг келиб чиқиши талқин этилиб «баковул» сўзини изоҳлаб, туркийларда «ошпаз» маъносида «бовурчи» сўзи қўлланганини тўғри эслатади. Аммо рус тилидаги «повар» сўзи ҳам шу сўздан олинган деб ўзбекчанинг қадимий эканига ургу бермоқчи бўлади. Тўғри туркийча бениҳоя қадамий тил. Лекин дўстимиз мазкур ўринда адашади. «Повар» сўзининг «бовурчи»га мутлақо алоқаси йўқ. Русчада «пиширмоқ, қайнатмоқ» маъносида «варить» сўзи бор. «Повар» шундан ясалганлиги очиқ кўриниб турибди. Ўзбек тили бундай «улуғлашга» муҳтож эмас.

Жаҳон миллатларининг мунтазам минбари бўлмиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотида олтита тил расмий ва ишчи тили ҳисобланади. Улар: инглиз, француз, араб, хитой, испан ва рус тиллари. Бу ҳол мазкур тилларнинг жаҳон миқёсидаги ўзига хос нуфузини кўрсатади. Жаҳон ҳамжамиятда ўзининг тобора нуфузли ўрнига эга бўлиб бораётган улуғ Ватанимиз ва унинг ардоқли тили янги асрда дунёдаги янада эътиборли мамлакат ва тиллардан бирига айланмоғини орзу қилиб яшамоқ ҳам бир бахт. Бу орзунинг рўёби учун тинимсиз меҳнат ва масъулият зарурлигини ҳам англамоқ керак.

Биз истаймизми-йўқми, бақувват мамлакат тилидан бошқа тилларга у ёки бу зарурият туфайли сўз киради. Фан ва технологиядаги муайян кашфиётлар, ютуқлар энг ками шу кашфиётчининг исми ёки бошқа бирор шаклда ўзга тилларга кириш учун йўл топаверади. Тарихда ҳам шундай бўлган. Биргина «Алгоритм»нинг «Ал-Хоразмий» эканлигини эслашнинг ўзи кифоя. Бугун ҳам шундай: «Мерседес», «Самсунг», «Сони» каби юзлаб муайян бир тилнинг сўзлари бутун дунё тилларига кириб бориб бўлган. Ҳатто «институт» деган халққа сингиб бўлган сўзни гўёки ўзбекча «олийгоҳ» билан алмаштиришнинг маъқул ёки маъқул эмаслиги ҳақида кераксиз мунозаралар кетиб турган пайтда «маркетинг», «менежер», «брокер», «бартер» каби мутлақо ўзбекча учун янги сўзлар тилга кириб келиб бўлди. Бу иқтисодий атамалар янги иқтисодий илғор ғоялар билан бирга кириб келмоқда. Тил жамият тараққиётининг ойнаси. Тилнинг нуфузи ҳам ана шу тараққиётга боғлиқ.

Бугун бутун дунё нега инглизчани ўрганмоқда? Чунки илғор фан, техника ва технология шу тилда. Ана шу улкан ютуқлар билан тез ва қулай ошно бўлиш учун катта иштиёқла дунё инглизчани ўрганмоқда. Шунинг учун Ўзбекистонда ҳам чет тилларни ўрганишга айрича аҳамият берилмоқда. Бу табиий ва қонуний жараён.

Чет элларда бугун ўзбекчани ҳам ўрганмоқдалар. Америка, Англия, Германия, Япония, Туркия ва бошқа кўплаб мамлакатларда ўзбек тили ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганилмоқда. Бизнинг оламга довруқ солган, теран тафаккур ва баркамол бадиий даҳоси билан дунёни лол қолдирган аждодларимиз яратган асарлар жаҳон хазинасидан ўзининг муносиб жойини олган. Аммо фақат ана шу улкан ақл ва бадиият дурдоналарини ўрганиш иштиёқи билангина ўзбек тилини ўрганмасинлар. Бу тенгсиз илмий ва бадиий анъаналарнинг бардавомлигини, олиму уламо, фозилу фузала аждодларнинг фарзандлари шунчаки меросхўр эмас, балки бу қутлуғ меросни бойитиб, тўлдириб борувчи авлодлар эканлигини дунё билмоғи керак. Мустақил юртимиз Ўзбекистонимизнинг наслдан-наслга ўтиб келаётган туганмас ақл заковати ва бадиий салоҳияти маҳсули бўлмиш янгидан-янги замонавий кашфиётлар, нафис сўз дурдоналари ҳам хориждаги дўстларимизни ўзбек тилини ўрганишга даъват этмоғи керак. Буюк келажак сари дадил бораётган мамлакатимизда ҳисобсиз имконлар бор. Булар ишга солинса, Ўзбекистонимизнинг, она тилимизнинг нуфузи янада ортиб бораверади.

Юртбошимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Давлат мустақиллиги ва қудрати унинг жаҳон жамоатчилиги олдидаги маънавий-аҳлоқий қиёфаси ва нуфузи билан аниқланади». Она тили маънавият белгиси. Шундай экан, тилимиз нуфузи давлатимиз нуфузи.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Маданият янгиликлари

БУЮК МУСАВВИРГА ЭҲТИРОМ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк мусаввир ва наққош Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича тузилган комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Қ. Тўйчиев бошқарди. У Камолиддин Беҳзод юбилейини ўтказиш бўйича яқин орада амалга ошириладиган ишлар тўғрисида батафсил тўхталди.

Белгиланган тадбирларга асосан вилоят маданият ишлари бошқармаси Қарши давлат университети, «Рассом» устахонаси билан ҳамкорликда 1995 йилнинг сентябрь ойида Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли вилоят мусиқали драма театрида Камолиддин Беҳзод даври миниатюра санъатига бағишланган илмий конференция ўтказади, вилоятнинг ёш мусаввирлари асарлари кўргазмаси ташкил этади. Маҳаллий саноат, Қашқадарё савдо концерни, Шаҳрисабз шаҳар «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси Камолиддин Беҳзод ижодига бағишланган эсдалик совға буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирган.

«ШАНБА ОҚШОМИДА»

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Улуғбек номли маданият саройида ҳар ҳафта «Шанба оқшомида» номли анъанавий дам олиш тадбирлари ўтказиляпти. Ўтган дам олиш куни бўлиб ўтган тадбирда тумандаги Амир Темур номли ширкатлар хўжалиги бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг, «Гулзор» ашула ва рақс ансамблининг янги концерт дастури ва қизиқчилар чиқишлари мухлисларни мамнун қилди.

Туман маданият бўлими бундай тадбирни ёз фаслида тез-тез ўтказиб туришни режалаштирмоқда. Айни пайтда концерт дастурларини ҳам янгилаб бориш кўзда тутилган.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан

БИР ДАРАХТНИНГ МЕВАЛАРИ

1928 йил эди. Бу даврда Самарқанд Ўзбекистон пойтахти бўлиб, бутун илм-маърифат шу ерда ривожланишнинг илк босқичларидан ўтаётган, шу жумладан янги-янги маърифат ўчоқлари, журнал ва газеталар очилаётган эди. Бундай хайрли ишларни амалга ошириш ва уларга раҳбарлик қилиш учун илмий ва амалий жиҳатдан бақувват олий маълумотли кишилар ҳамда ижодкор зиёлилар Самарқандга ишга чақирилди.

Шундай долзарб муаммоларни ечиш ва бошқариш учун Фарғона таълим-тарбия техникумининг ташкилотчиларидан бири, қолаверса, ҳозирги Фарғона университети ташкилотчиларидан ҳисобланмиш ўзбек тили ва адабиёти муаллими Абдураҳмон Ғоибий ҳам таклиф этилган эди. Ўша йиллар Самарқанд педакадемияси филология факультетининг туркий филология кафедрасида доцент Шокир Сулаймон мудирлик қилар ва болалар адабиёти ҳамда форс-тожик адабиётларидан талабаларга сабоқ берарди. Маълумки, ана шу икки забардаст педагог дастлаб олий таълимни ҳам 10—11 йиллар муқаддам (1928 йилдан аввал) Оренбург шаҳрида Ислом олий мадрасасида, бир факультетда олган. Шу ерда бу икки ҳамшаҳарнинг дўстлиги бошланди. Марғилонлик А. Ғоибий ва қўқонлик Шокир Сулаймонларнинг илмий-педагогик ҳамкорлиги миллий таълимнинг муҳим қирраларини ҳал этишда яхши омил бўлгани кўпчиликка маълум ҳам.

Икки дўст «Маориф ва ўқитувчи» журналида бири масъул котиб, бири методист-журналист сифатида ишлаган, ўқувчилар тарбияси ва миллий мактаблар ҳамда ўқитишнинг долзарб муамоларига доир кўплаб мақолалар эълон қилган эдилар.

Қуйидаги сурат ўша 1928 йилда «Маориф ва ўқитувчи» журналида ўзбек тили имлосига бағишланган кенгаш қатнашчилари сафида берилган бўлиб, ўнгдан биринчиси Абдураҳмон Ғоибий ва иккинчиси атоқли болалар ёзувчиси, йирик журналист Шокир Сулаймонлар сиймолари тасвир этилган.

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

Суратни Маҳмуд ЖЎРАЕВ қайта ишлаган.

Футбол

ТОҒ ҲАВОСИДАН БАҲРА ОЛИБ

• «Ғазалкент» футболчилари биринчи лиганинг иккинчи минтақасида куч синашаётганлар орасида эътиборга тушган жамоалардан саналади.

Тоғ ҳавосидан баҳра олиб яшил майдонда астойдил жавлон ураётган «Ғазалкент» футболчилари билан Бўстонлиқ мухлислари фахрланадилар. Боиси, бу жамоа ишончли қозонишга интилмоқда. Уларни чемпионатнинг дастлабки давраси ўйинларини муддатидан аввал пешқадам сифатида якунлаб, оралиқ маррага етиб келишлари ҳам шундан. «Ғазалкент» 8 ғалаба, 1 дуранг ва 3 мағлубият билан тўплар нисбатини 16-3 га етказиб, 25 очко жамғарди.

Бахтиёр Пўлатов устозлик қилаётган бу жамоада Е. Кондаленко, Т. Абибуллаев, А. Жалолов, А. Турабеков, Ш. Қулматов, Э. Шокиров, Д. Идрисов, Ш. Ҳусанов, А. Татаринов каби умидли футболчилар бор. Яқинда «Ғазалкент» футболчиларининг оралиқ маррага пешқадам сифатида келишлари муносабати билан ўзига хос байрам ташкил этилди. Бу тадбирга «Бўстонлиқ» ва «Дунё» ҳиссадорлик жамиятлари, «Элбек» ва «Қўшқўрғон» жамоа хўжаликлари ҳомийлик қилишди.

Дастлабки давра ўйинлари эса шанба куни якунланади. 23 очко билан иккинчи бўлиб турган «Қушон» ёки яна икки марта майдонга тушишни мўлжалга олган «Чилонзор» жамоаларининг қандай ўйнашлари «Ғазалкент»нинг пешқадамлик мавқеини сақлаб қолишига таъсир қилиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, мухлислар «Ғазалкент» футболчиларига катта умид боғлашмоқда.

Темур МАҚСУМОВ.

СУРАТДА: «Ғазалкент» футбол командаси.
Муаллиф олган сурат.

Ҳодиса

ТОРМОЗ ПАНД БЕРГАНДА

Тушликка яқин пайт. Наманганнинг соҳили бўйлаб «КамАЗ» ҳайдаб бораётган Эргашали Арслонов тўхтаб турган «КРАЗ» ёнидан ўтаркан, уни орқага силжиётганини пайқаб қолди. Тормози бўшашган машина кабинасида ҳеч ким йўқ. Бир тўп бола эса шу атрофда ғужғон эди.

— Фурсат ғанимат, нима қилиш керак,— деб ўйлади Эргашали,— фалокат юз бериши мумкин-ку.

Арслонов «КамАЗ»ни «Баҳор» кинотеатри ёнидан қайтарди. Қиялик бўйлаб ғилдираётган машинага етиш, айланиб ўтиб, елкасини қўйгандай «КамАЗ»га тиралса... Шу хаёл билан Эргашалининг назарида кўп вақт ўтгандай бўлди. Зеро, машинанинг бир-бирига оҳиста урилганини сезиб, тормозни босди.

Воқеадан хабар топганлар дарров «КРАЗ» ғилдираклари остига тош қўйишди. Бу орада машинасини қияликка «қотириб» кетган ҳайдовчи келиб узр сўрай бошлади. Сой бўйида эса хавфдан бехабар болалар ҳамон ўйин билан банд эди...

Э. Арслонов Тўрақўрғондаги 90-автокорхонада ишлайди. Қарийб чорак асрдан бери ҳайдовчи. Айни вақтда Учқўрғон-Наманган сув йўли қурилишида меҳнат қилмоқда. Лоқайдлик гарди юқмаган, ҳушёр бундай ўғлонлар ҳамиша бор бўлсин, дегинг келади.

А. НУРБЕКОВ.

"ТУРОН"
ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефон: (3712) 44-59-55.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан ҳамда нақд пулга улгуржи ва чакана нархларда

СОТАДИ:

Озиқ-овқат маҳсулотлари:
Макарон, кўк нўхат, шампиньонлар, пишлоқ, печенье ва конфетлар.
Шампан виноси ва бошқа спиртли ичимликлар.
Газли ичимликлар ҳамда 0,33 л. сиғимли идишдаги пиволар,
шунингдек, мазали ва турли-туман озиқ-овқатлар.

Алоқа учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.
Телефакс: 45-56-65.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан сиғими 50 кг. ли полипропилин қопларни пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ.

Телефонлар: 44-23-13, 44-31-36.
Манзилгоҳ: Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7-а уй, 309- хона.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
27 июнь соат 19.00 да
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами шарафига

КАТТА КОНЦЕРТ

Ўзбекистон халқ артистлари:
Насиба АБДУЛЛАЕВА, Гуломжон ЁҚУБОВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар:
Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Матлуба ДАДАБОЕВА
Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист
Азим МУЛЛАХОНОВ
Кулги усталари:
Мухиддин ДАРВЕШЕВ, Мирза ХОЛМЕТОВ, Собит АСОМОВ
таниқли хонандалар:
Гулбаҳор ЭРҚУЛОВА, Абдулҳай КАРИМОВ, Равшан КОМИЛОВ, Дониёр ТОШМУҲАМЕДОВ
«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ, «ТУРКИСТОН» ГУРУҲИ
Дастурни Ўзбекистон халқ артисти **Теша МЎМИНОВ** олиб боради.
Концерт режиссёри — **Марат АЗИМОВ.**
Чипталар «Халқлар дўстлиги» саройи кассаларида сотилмоқда.
Жамоалардан буюртмалар олинади.
Концерт ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма (Тел: 44-37-86, 44-37-87, 44-32-14).

Соат 24.00

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚОТИЛ ХОТИН

Ангрен шаҳрида суд-тиббий кўрик ходимлари 1924 йилда туғилган фуқаронинг жасадини текширишганда унинг бўйин ва кўкрак қисмлари пичоқ билан жароҳатланган, деб хулоса чиқардилар. Аниқланишича, қотилликни марҳумнинг хотини оилавий жанжал оқибатида содир этган экан...

ДИРЕКТОРНИНГ «ДАРДИ»

Самарқанд темир йўл бекатида Россия Федерациясида яшовчи, ширкат директори милиционерга дуч келиб ваҳимага тушди. Ички ишлар ходимлари ундан «ҳол-аҳвол» сўраб кўришди. Қарашсаки, унинг «дарди» ўзида эмас, балки сумкасидаги 1 килою 150 грамм гиёҳванд моддасида экан.

ҚАЛБАКИ ДОЛЛАР

Навоий шаҳрида милиция ходимлари валюта алмаштириш кассаси олдида ўралашиб юрган шубҳали кимсанинг шахсини аниқламоқчи бўлишди. Текширув чоғида унинг ёнидан 80668596 рақамли бир дона қалбаки 100 АҚШ доллари олинган. Эндиликда суриштирув ишлари кетяпти.

ҚУРОЛЛИ «МОМО»

Яқинда Термиз темир йўл бекатида «Душанбе-Москва» йўналишидаги поезднинг йўловчиси тожикистонлик холанинг сумкасидан 3805 рақамли «Макаров» тўппончаси билан 2 та ўқдон чиқди. Во ажаб...

ҲАЙДАБ ҚОЧГАН ЭДИ

Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида нотаниш йигит «Ғалаба» мавзесидан фуқаро М. Б.нинг «ВАЗ-2106» автомашинасини ҳайдаб қочган эди. Жиноятчи манзилга етди, аммо мақсадига етолмади. Қўлга олинди.

ЎЗ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Сирдарё вилоятининг ДАН постларидан бирида ҳеч қаерда ишламайдиган сирдарёлик йигит ўзининг шахсий автомашинасида умумий нархи 6 минг сўм бўлган 500 литр солярканн, сурхондарёлик ҳайдовчи эса давлат автомашинасида 3 тонна «АИ-76» бензинини мамлакатимиздан ташқарига олиб чиқиб кетмоқчи бўлганида ушландилар.

Р. ТУРҒУНОВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

ЯНГИ ШИФО МАРКАЗИ

ҚАРШИ. «Комил ишонч» хусусий табобат марказининг ташкил этилганига атиги бир ой бўлди. Бу ерда ўнлаб беморлар дардларига даво топмоқдалар. Марказга илгари шаҳардаги 1-болалар шифохонасида ишлаган К. Файзиев бошчилик қилмоқда.

— Ҳозирги жараён тиббиёт тизимида ҳам ислоҳотлар ўтказишни талаб этяпти, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда дори-дармон масаласи оғир. Шу туфайли бизда даволанадиган беморлар дорихонама-дорихона кезиб, хуноб бўлмайдилар. Беморларни даволаймиз, дориси ҳам ўзимиздан бўлади.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппарати партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари МК бўлим мудири М. Л. Ельшовга онаси
Зинаида АНДРЕЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Очиқ турдаги «Й. Охунбобоев номли бош кийимлар корхонаси» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон енгил саноат давлат уюшмаси бошқаруви раиси Ўктам Исмоиловга укаси
Исроилжон ИСМОИЛОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни — «Ўзавтойўл» жамоаси концерн ижро аппарати ходими
Мамадали КУШШАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда -- 6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда -- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0238.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.